

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Фарғона туманидаги
Халқ қабулхонасининг
2026 йил “___” январдаги
_____ – сонли хатиға илова

**2025 йил давомида Фарғона туманида ҳудудларни
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича
ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти,
мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан
АХБОРОТ**

2025 йил давомида Фарғона тумани аҳолисидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жами **2 962 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан **1 564 тага** (4526/2962) ёки **34.6 фоизга** камайган.

Келиб тушган **2 962 та** мурожаатларнинг **2 834 таси** тегишли идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, **1 887 таси (66,5%)** ижобий ҳал этилган.

Туман аҳолисининг ҳар **10 минг кишисига** ўртача **123 та** мурожаат тўғри келади.

Туман аҳолиси томонидан 2025 йил давомида келиб тушган мурожаатларнинг **1 306 таси** ёки **44,09 фоизи** тумандаги **16 та** маҳалла фуқаролар йиғинлари хиссасига тўғри келмоқда.

Жумладан, “Янги аср” МФЙда яшовчи **81 нафар** фуқаролардан **127 та**, “Кончилар” МФЙда яшовчи **55 нафар** фуқаролардан **123 та**, “Шифокор” МФЙда яшовчи **55 нафар** фуқаролардан **107 та**, “Қўриқ” МФЙда яшовчи **22 нафар** фуқаролардан **105 та**, “Миндонобод” МФЙда яшовчи **66 нафар** фуқаролардан **103 та**, “Аввал” МФЙда яшовчи **50 нафар** фуқаролардан **103 та**, “Миндон” МФЙда яшовчи **47 нафар** фуқаролардан **90 та**, “Шохимардон” МФЙда яшовчи **44 нафар** фуқаролардан **87 маротаба**, “Хонқиз” МФЙда яшовчи **48 нафар** фуқаролардан **76 та**, “Беруний” МФЙда яшовчи **48 нафар** фуқаролардан **63 та**, “Қўрғонтепа” МФЙда яшовчи **45 нафар** фуқаролардан **61 та**, “Бўстон” МФЙда яшовчи **40 нафар** фуқаролардан **56 тадан** турли хил масалаларда мурожаатлар келиб тушган.

Хусусан, соҳалар кесимида таҳлил қилинганда.

Жумладан:

Ҳуқуқ-тартиботга оид масалалар – 596 та;

Ижтимоий ҳимоя тизими ҳамда уй-жой таъминотиға оид масалалар – 559 та;

Газ, электр, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, оқова сув тизими, чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари ва бошқарув-сервис компаниялари фаолияти – **386 та**;

Давлат органлари фаолияти, раҳбарлар қабуллари, ходимлар хатти-ҳаракатларига доир масалалар – **356 та**;

Меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик, меҳнат низолари, ҳоким ёрдамчилари фаолияти ва миграция масалалари – **225 та**;

Фуқаролар соғлиғини сақлаш ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид масалалар – **175 та**;

Молия, банк, солиқ ва суғуртага оид масалалар – **174 та**;

Йўл, кадастр, қурилиш, транспорт, савдо ва мулкӣ муносабатлар ва иқтисодиёт тармоқларига оид бошқа масалалар – **165 та**;

Таълим соҳасига оид масалалар – **135 та**;

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ерга оид масалалар – **66 та**;

Судлар фаолиятига доир масалалар – **40 та**;

Оилавий низолар, васийлик ва ҳомийлик масалалари – **35 та**;

Ахборот технологиялари, маданият, спорт, оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳасига оид масалалар – **20 та**;

Халқаро ҳуқуқ, дипломатик ва консуллик муассасалари фаолияти, Қуролли Кучларда хизмат ўташ, ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминоти, мудофаа ва хавфсизликка оид масалалар – **14 та**;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар – **11 та**;

Сайлов тизими – **3 та**;

Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти – **2 та**;

Келиб тушган **2 962 та** мурожаатларнинг **369 тасини** (13,3%) такрорий мурожаатлар ташкил этади.

Тумандаги тегишли идора ва ташкилотлар томонидан мурожаатлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ кўриб чиқилмаслиги ҳамда ижобий ҳал қилиниши мумкин бўлган масалаларни ҳуқуқий маълумот бериш йўли орқали ёпиб юборилиши туман аҳолиси томонидан жамоавий, такрорий ва **Тошкент шахрига бориб Республика идораларига** тўғридан-тўғри мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда.

Фарғона туманида истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан ушбу кўрсаткич **2025 йил** давомида **32 тани** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **13 та ёки 28,9 фоиз**)га камайган.

Жумладан, **нисбатан энг кўп** мурожаат хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар **6 та**, шундан **1 таси ижобий ҳал этилган бўлса**, соҳалардаги **5 та** мурожаат ўз ечими топмаган.

Хусусан, туман аҳолиси томонидан **2025 йил** давомида **37 та** жамоавий мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг **21 таси ёки 56.7 фоизи** ижобий ҳал этилган холос.

Асасан, жамоавий келиб тушган мурожаатлар соҳалар ва маҳаллалар кесимида таҳлил қилинди, Жумладан;

- **Газ таъминоти, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалаларда 5 та;**
(Қўрғонтепа, Қўриқ, Лоғон, Хуршиди тобон, Юқори Гулшан);
- **Хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларда 4 та;**
(Саткак, Ямбароқ);
- **Чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари фаолияти ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалаларда 3 та;**
(Бирдамлик, Машъал, Янги аср);
- **Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳисоблаш масалаларида 3 та;**
(Аввал, Қўрғонтепа, Миндонобод);
- **Ички йўллар, автомобиль йўллари, кўприклар ҳолатига оид масалаларда 3 та;**
(Қўриқ, Чимён, Янги аср);
- **Электр тармоқлари ҳолати, узилишлар, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар**
(Қўриқ, Саткак, Хуршиди Тобон) маҳаллалари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мурожаатлар кескин ошгани кузатилди.

Мисол учун, раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари **75 тага, 48/123 та** ёки **156.3 фоизга**, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга оид масалалар **6 тага, 6/12 та** ёки **100,0 фоизга**, қуёш панеллари ўрнатиш ва улар бўйича ҳисоб-китоблар, АЁҚШлар фаолиятига оид масалалар **4 тага, 4/8 та** ёки **100.0 фоизга**, қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид масалалар **10 тага, 11/21 та** ёки **90,9 фоизга**, мактаблар фаолияти ва уларнинг ҳолати, мактабга жойлашиш билан боғлиқ масалалар **12 тага, 20/32 та** ёки **60.0 фоизга**, кўмир таъминоти ва сифатига оид масалалар **5 тага, 13/18 та** ёки **38.5 фоизга**, нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар **91 тага, 340/431 та** ёки **26.8 фоизга**, солиқларга оид масалалар **8 тага, 36/44 та** ёки **22.2 фоизга** ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-209-сонли Фармони** 2-бандига мувофиқ, **маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ҳар бир фуқаро ўзи ва**

оиласининг келажаси, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш вазифаси белгилаб берилган бўлса-да, туманда аҳоли вакиллари томонидан келиб тушаётган **такрор** ва **жамоавий** тартибдаги мурожаатларининг сони кескин ошиб бораётгани маҳалла еттилиги томонидан вазифалари лозим даражада бажармаётгани кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг **25-моддаси**да мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят қилаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш таъқиқланган;

33-моддасида мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг **мажбуриятларидан бири** этиб қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаш белгиланган, бироқ бўлим томонидан Қонун талаблари зид равишда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати устидан шикоят келиб тушган мурожаатлар бўлиб томонидан кўриб чиқиш ўрнига хатти-ҳаракати устидан шикоят келиб тушган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилмоқда.

Мисол учун, Фарғона тумани, “Шохимардонобод” МФЙ, Нурунийлар кўчаси, 24-уйда яшовчи Ш.Ходжибоевнинг **28.01.2025 йил** кунги **49270/25-сонли** “МФЙ раисининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб” қилган мурожаати “Шохимардонобод” МФЙ раиси томонидан кўриб чиқилган.

Бунинг натижасида мурожаати муаллифи томонидан мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича Халқ қабулхонасига эътирозномалар келиб тушган.

Фарғона тумани, “Оқбиллол” МФЙ, Шифо кўчаси, 13-уйда яшовчи **Мамажонов Бахромжон Саибжонович**нинг **08.01.2025** кунидаги **452-ssq/25-сонли** “Фуқаро фарзандлари учун болалар нафақаси олишга ёрдам масаласида”ги қилган мурожаати кўриб чиқиш учун **марказга** юборилган.

Ушбу мурожаат марказ томонидан кўриб чиқилиб тизимга **09.01.2025 йил** кунги мурожаатни ўрганиш юзасидан тузилган далолатнома, фуқаро Б.Мамажоновнинг 20.01.2025 йил кунги **миннатдорлик хати**, **21.01.2025 йил** кунги **13-18-02/61-сонли** жавоб хати, почта квитанцияси юкланган.

Халқ қабулхонаси томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш натижаси юзасидан мурожаат муаллифи билан телефон орқали суҳбатлашилганда **фуқаро Б.Мамажонов мурожаати унинг иштирокида кўриб чиқилмаганлиги, мурожаатни ўрганиш натижаси бўйича бириктирилган миннатдорлик хатидаги имзо унга тегишли эмаслиги ва миннатдорлик хати ёзмаганлигини маълум қилган.**

Бу ҳақида фуқаро Ш.Хамраевнинг мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича Халқ қабулхонасига берган тушунтириш хатида маълум қилган.

Хусусан, мурожаатни ўрганиш юзасидан 09.01.2025 йил кунги “Оқбиллол” МФЙ фаоллари иштирокида тузалиган далолатнома текширилганда, “Оқбиллол” МФЙ раиси П.Ахмаджонов, “Оқбиллол” МФЙ ҳоким ёрдамчиси М.Қосимов, Ижтимоий ходим М.Соҳибжоновлар иштирокида тузилиб, уларнинг имзоси ва МФЙ муҳри билан тасдиқланган гувоҳи бўлиш мумкин.

Бироқ, 09.01.2025 йил куни “Оқбиллол” МФЙда тузилган далолатномада МФЙ раисининг имзоси Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона тумани бўлимидан олинган маълумотга асосан унга тегишли эмаслиги тасдиғини топган.

Шунингдек, “Оқбиллол” МФЙ ҳоким ёрдамчиси М.Қосимов Фарғона вилояти ҳокимининг 08.01.2025 йил кунги 4-11-0-F/25-сонли Фармойишига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани аниқланган.

Бундан ташқари, Фарғона тумани “Ёрдон” МФЙ, Қизил тоғ кучаси, 52^А-уйда яшовчи Б.Ғофуровнинг 23.12.2025 йил кунги 82533-хқ/25-сонли “Ёрдон МФЙ раиси ва ҳоким ёрдамчиси, ***“маҳалла еттилиги” аҳоли фаровонлиги йўлида эмас, тадбиркорлик субъектларида алкоголь ичимликларни беҳисоб сотилишига, ёшларни хали ўзини англай олмаган бўлса-да, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб отаси каби инсонларни калтаклашига томошабин бўлиб қолмоқда. Бу каби салбий ҳолатларга хайрихоҳлик қилиб келаётган ёшлар етакчиси мисолида кўриш мумкин. “Маҳалла еттилиги” мазкур ҳолат юзасидан ўз таркибини маҳаллий кенгаш иштирокида танқидий кўриб чиқишини, маҳалладаги ёшларни оилада ва жамиятда юриш туриш қоидаларини сақлаш ҳақида тарғибот ишлари олиб боришини сўраб***” қолдирган мурожаати “Ёрдон” МФЙ раиси томонидан 24.12.2025 йил куни мурожаатни ўрганиш далолатномаси тузиб, мурожаатни ўз холига ёпиб юборган.

Юқоридаги каби салбий ҳолатлар жойларда мурожаатлар келиб чиқишига, фуқароларнинг ***эътирозлари ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб бориш***, олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш ва мурожаатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда амалга оширилмаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишлигини таъминлаш бўйича **назорат тадбирлари** амалга оширилди.

Хусусан, Фарғона туманидаги давлат органлари ва ташкилотларда мурожаатларни кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётгани аниқланди.

Ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига **5 та таклиф, 11 та тақдимнома, 28 та кўрсатма ва 4 та ахборотлар** киритилди.

Фарғона тумани Халқ қабулхонасининг назорат ҳужжатлари натижасида **4 та** мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима, **1 таси** ойлик иш ҳақидан жарима, **9 таси** интизомий жазо чоралари, **12 таси** огохлантириш қўлланилди.

Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, фуқаролар муаммолари билан самарали ишлаш, ечимини кутаётган масалаларни “маҳаллабай” ўрганган ҳолда жойида ва тезкор ҳал этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизимини янги даражага олиб чиқиш ҳамда мурожаатларни кескин камайтириш, такрорий мурожаатларни олдини олиш ҳамда **фуқароларнинг розилигини таъминлаш мақсадида:**

1. Туманнинг соҳа ташкилотлари раҳбарларининг фуқаролар томонидан Давлат раҳбарига мурожаат қилинишига сабаб бўлаётган муаммо ва ҳолатларга нисбатан **муносабатини ўзгартириш**, мурожаатлар билан ишлашда **расмийтчилик ва сансалорликка йўл қўймаслик, муддатларга сўзсиз риоя этиш**, мурожаат этувчиларни қабул қилиш ҳамда мурожаатларни уларнинг **муаллифлари иштирокида кўриб чиқишлишига** эътиборни кучайтириш;

2. Жойларда мурожаатлар келиб чиқишига, фуқароларнинг **эътирозлари ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб бориш**, олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш ва мурожаатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;

3. Давлат органларининг жойларда аҳоли билан ишловчи ходимларининг **муомала маданиятини ошириб бориш**, фуқарони рози қилиш, **аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга** қаратилган тезкор чоралар белгилаш;

4. Фуқароларнинг **кўп сонли такрорий мурожаатларининг якуний ҳал этилишини таъминлаш мақсадида** ҳар чорак якунлари бўйича таҳлил натижаларига кўра бундай **мурожаатларни жойига чиқиб, соҳа мутахассислари, Халқ қабулхоналари ва жамоатчилик** (ҳоким ёрдамчиси, маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-

қизлар, ёшлар ва нуронийлар таркибида) **иштирокида коллегиял равишда** (зарур ҳолларда видеоёзув ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда) **муҳокама қилиш, асоссиз мурожаатлар муаллифлари билан тегишли тушунтириш ишларини олиб бориб, масалани узил-кесил ҳал этиш чораларини кўриш;**

5. Асослантирилган жавоб берилишига қарамай кўплаб дубликат, такрорий мурожаатлар йўлловчи ва **руҳий ҳолатида деструктив ўзгаришлар** (шизофрения, маниакал-депрессив психоз ва бошқалар) **мавжудлиги юзасидан шубҳа уйғотувчи фуқаролар тўғрисида тиббий хулоса ва суд қарори асосида рўйхатини шакллантириб тегишли халқ қабулхоналарига етказилишини;**

6. Аввалги мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқа тарзда норозилик билдирилаётган **такрорий мурожаатларнинг** аввалги мурожаатни кўриб чиққан ташкилотнинг бўйсунув тартибида **юқори ташкилоти ва мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш;**

7. Давлат органлари ходимларининг ҳатти-харакатлари юзасидан келиб тушган шикоятларни ташкилот раҳбари томонидан мурожаат муаллифи иштирокида кўриб чиқилишини;

8. Тизим ташкилотларида мурожаатларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни кўриб чиқиш натижадорлиги, мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ташкилот раҳбарияти даражасида **мунтазам муҳокама қилиб, тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;**

9. Мурожаатлар билан ишловчи масъул ходимларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш юритишни такомиллаштириш, ҳар бир мурожаат бўйича шахсий жавобгарликни белгилаш ва бир чорак давомида **10 дан ортиқ мурожаат қилган ҳар бир шахс бўйича алоҳида йиғма жилд юритилишини таъминлаш;**

10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишларни ташкил қилишда **расмийлик ҳамда сансалорлик ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик чораларини кўриш,** жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

11. Мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг **ижобий ҳал этилишига ўзининг ташаббускорлиги, меҳнаткашлиги ва таклифлари билан ҳисса қўшган ходимларни рағбатлантириб боришни** йўлга қўйиш;

12. Ариза ва шикоятларни қонуний ҳал қилмаган, белгиланган муддатларда кўриб чиқмаган, мурожаатлар билан ишлашда камчиликларга тизимли равишда йўл қўйган раҳбар ва **ходимларнинг масъулиятини қатъият билан кўриб чиқиш;**

13. Тумандаги корхона, муассаса ва ташкилотлар мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш фаолиятини танқидий кўриб чиқиши, **таҳлил натижаларини** мунтазам равишда жамоатчилик эътиборига (расмий веб-сайт ва бошқалар орқали) **эълон қилиб бориши** лозим.